

АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ГЕОГРАФИЯДА ЎРГАНИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Ҳ.А.Облакулов – география фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Навоий давлат университети

МИРОВОЙ ОПЫТ ИЗУЧЕНИЯ ОБРАЗА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ В ГЕОГРАФИИ

Х.А.Облакулов – доктор философии в области географии, доцент
Навоийский государственный университет

WORLD EXPERIENCE IN THE STUDY OF POPULATION LIFESTYLE IN GEOGRAPHY

Kh.A.Oblakulov – Doctor of Philosophy in Geographical Sciences, Associate Professor
Navoi State University

Таянч сўзлар: аҳоли, турмуш тарзи, турмуш сифати, турмуш даражаси, турмуш шароити, хулқ-атвор, урф-одатлар.

Резюме. Ушбу мақолада аҳоли турмуш тарзини географияда ўрганишга қаратилган бўлиб, антик даврдан то ҳозирги кунга қадар, аҳоли турмуш тарзининг баъзи бир жиҳатлари хорижий олимлар томонидан тадқиқот қилинганлиги баён қилинган. Шунингдек, 1980-йилдан ҳозирги кунга қадар аҳоли турмуш тарзи географиясига бағишланган олимларнинг ишларига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда турмуш тарзи географияси ижтимоий географиянинг йўналиши сифатида шаклланиб келаётганлиги изоҳланган.

Ключевые слова: население, образ жизни, качество жизни, уровень жизни, условия жизни, поведение, обычаи, традиции.

Резюме. В этой статье основное внимание уделяется изучению образа жизни населения в географии, с древности и до наших дней, некоторые аспекты образа жизни населения исследуются иностранными учеными. Особое внимание уделяется работам ученых, посвященным географии образа жизни населения с 1980 года по настоящее время, и объясняется, что география образа жизни формируется как направление социальной географии.

Key words: population, lifestyle, quality of life, standard of living, living conditions, behavior, traditions.

Summary. This article focuses on the study of the way of life of the population in geography, from antiquity to the present day, some aspects of the way of life of the population are described by foreign scientists in which research has come. It is also explained that from the 1980s to the present, special attention is paid to the work of scientists dedicated to the geography of the lifestyle of the population, and the geography of the lifestyle is being formed as the direction of social geography.

Кириш. Аҳоли турмуш тарзини ўрганиш ҳар доим география соҳасига тегишли бўлган бўлса-да, жамиятнинг эҳтиёжларига, ривожланиш хусусиятларига, тўпланган билимлар даражасига ҳамда географлар олдида турган аниқ вазифаларига қараб янада кучайиб борди. Чунки география фани ривож билан боғлиқ ижобий силжишлар туфайли дунёнинг турли мамлакат ва минтақаларида аҳоли мавзусидаги тадқиқотларда янада устуворлик ҳолати сакланди. Бу эса аҳолининг турмуш тарзи билан боғлиқ илмий изланишлар борасида ҳам бир қадам олдинга қўйилган қадам эди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аҳоли турмуш тарзини ўрганиш мураккаб масала бўлиб, у турли хил фан вакиллари: демографлар, иқтисодий географлар, социологлар ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан ўрганилган. Аҳоли турмуш тарзи географиясига оид махсус назарий-услубий ва амалий тадқиқотларни узоқ хориж мамлакатларидаги олимларидан А.И.Алексеев, В.М.Булаев, Г.Е.Глезерман, Ю.Н.Дмитриева, Л.Капустин, И.Н.Кодина, И.Г.Мальганова,

В.Толстых, С.В.Федулов, А.Д.Чебеткова, И.В.Шаркова, Н.А.Щитова ва бошқалар бажарган. Бу олимларнинг ишларида турмуш тарзи географияси ижтимоий географиянинг алоҳида йўналиши сифатида илмий-услубий жиҳатдан асосланган.

Натижа ва муҳокамалар. Аҳоли турмуш тарзи тўғрисидаги дастлабки географик тушунчалар қадимги Грецияда шаклланган. Шунингдек, қадимий даврни ўрганишдаги тадқиқотларда табиат ва иқтисодиётнинг таснифи билан бир қаторда аҳолининг турмуш тарзи, ахлоқи, урф-одатлари, анъаналари, хулқ-атвори ва машғулот тўғрисида маълумотлар тўпланди. Ўз даврининг машҳур тарихшуносларидан бири Милетлик Гекатей (эрамиздан аввалги V-IV асрларда яшаган) ушбу даврда мавжуд бўлган барча мамлакатшуносликка оид матнларни тўплаб, улар ҳақда қисқача шарҳлар ёзиб қолдирган [6].

Эрамиздан аввалги V асрда Геродот ўзининг “Тарих” асарида Оссурия, Миср, ҳозирги Россиянинг жанубий ҳудудлари, Кавказ, Украина ва бошқа ҳудудларда истиқомат қилган

халқларнинг ҳаёти ва урф-одатлари тўғрисида кизиқарли маълумотларни берди [2].

Милоддан аввалги 460-377 йилларда яшаган Гиппократ эса инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни биринчилардан бўлиб аниқлади ва географик детерминизмнинг шаклланишига ҳисса қўшди. У скиф ва сармат қабилаларининг кундалик ҳаёти ва маросимларига оид кизиқарли маълумотлар қолдирди. Л.Д.Синицкий ўз тадқиқотларида Гиппократни биринчи «антропологеограф» деб, алоҳида таъкидлаб ўтган [12].

Бундай муҳим маълумотлар қадимги Рим географи Страбон (эраиздан аввалги I - эраизмнинг I асри) асарларида ҳам кўзга ташланади. Унинг машҳур “География” асарида мамлакатларнинг табиий шароитларини ўрганиш зарурлиги, шунингдек, “...географиянинг асосий қисми сиёсий ҳаёт субъектлари билан боғлиқ” эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган [2]. Страбон мавжуд инсон қатламларига эътибор беради ва инсониятни икки қисмга, яъни юнонлар ҳамда варварларга ажратган олимларни қаттиқ қоралайди, Ҳиндистон халқининг етти тоифага бўлиниши ҳақида ҳикоя қилади. Унинг асарларида турмуш тарзининг географик омиллари, турли халқларнинг алоқалари, этник гуруҳларнинг ажралиши, яшаш жойларининг хусусиятлари келтирилган.

Аҳолининг турмуш тарзи ҳақида тасаввурга эга бўлган биринчи К.Тацитнинг “Германия” асари бўлиб, унинг таркиби уч қисмга бўлинади: Германиянинг чегаралари ва унинг аҳолисининг келиб чиқиши; мамлакат ва аҳолининг ахлоқий ҳолати ҳамда давлат ва фуқаролик тузилмалари; немисларнинг алоҳида қабилаларини тавсифлаш [2].

Буюк географик кашфиётлар даври инсониятнинг Ер ҳақидаги ғояларини ўзгартирди ва бутун географик илм-фаннинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу эса ўз ўрнида ижтимоий-географик билимларнинг ривожланишига ҳам бевосита таъсир қилмасдан қолмади. В.К.Яцунский таъкидлашича, бу даврда географияда, мамлакатшуносликка доир адабиётларда аҳоли мавзуси: устунлик қилди [18]. Мазкур даврда кўпгина жойларда аҳолини таҳлил қилишга бағишланган камерал статистика ва тижорат географияси кенг қулоч ёзди. В.К.Яцунский иқтисодий географ сифатида Л. Гвиччардинининг “Нидерландлар битиклари” асарини энг йирик иқтисодий ва сиёсий географик иш сифатида баҳолайди. Шунингдек, Гвиччардинининг замондоши француз олими Ж.Боден эса инсонлар хулки, характер хусусиятига табиатнинг таъсиринигина эмас,

колаверса инсоннинг табиатга таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Машҳур фламанд картографи Авраам Ортелей дунёда биринчи бўлиб аҳолининг ҳаёти ва урф-одатларини акс эттирувчи тарихий атласни нашр этади [13; 18].

Инсон турмуш тарзи билан боғлиқ назарий масалалар Бернхард Варений ишларида ҳам яққол намоён бўлди [7]. Олим томонидан таъкидлаб ўтилган “инсоний” фазилатлар тез-тез географларни ўзига қаратиб, ижтимоий-тарихий жараёнда инсонга кўпроқ эътибор қаратилди.

Илк ижтимоий географик тадқиқотлар Россия, Германия, Францияда пайдо бўлиб, улар орасида турмуш тарзи географияси билан боғлиқ ишлар ҳам учрайди. Шунингдек, бир қанча олимлар аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, С. Вобан инсонларнинг яшаш шароитига эътибор қаратди ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар берди [12].

АҚШда Ж.П.Марш, Россияда А.И.Воейков ва уларнинг издошлари ўз фаолияти давомида инсон томонидан табиатни ўзгартариши ҳақидаги фикрларни ривожлантириб, биринчи марта инсонларни табиатга таъсирининг экологик оқибатларига эътибор бердилар. Францияда А.Гумбольдт ва К.Риттернинг издошлари А.Гюйо ва айниқса Э.Реклю географик муҳит ва унда инсоннинг Ер юзидаги роли ҳақида ғоялари ривожлантирди [11]. Шунингдек, турмуш тарзи географияси нуқтаи назаридан табиат, инсон ва унинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилган Э.Реклюнинг минтақавий географик қарашлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Россияда XIX аср ўрталари географик тадқиқотлар жадаллик билан ривожланган давр бўлди. Рус География жамиятининг статистика ва этнография бўлимлари фаолияти асосида этнография тадқиқотлар ривожланди. Жумладан, иқтисодий география бўйича биринчи атласнинг чоп этилиши муҳим воқеа бўлди. Унинг таркибида эса жиноят географияси, аҳолининг ижтимоий тузилиши карталари ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Россияда аҳоли географиясининг шаклланиши П.Семенов-Тянь-Шанский номи билан боғлиқ. У география нафақат Ер юзаси табиатини, балки инсон фаолиятини ҳам ўрганиши керак, деган фикрни таъкидлаган. У дунёда биринчи бўлиб Рязань губернияси Данков уезди Мураевен волости материаллари бўйича комплекс ижтимоий географик тадқиқотни амалга оширди. П.Семенов-Тянь-Шанский кичик ҳудуд мисолида Россияда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий табақаланишини ўрганган. Унинг бошчилигидаги Рус География жамияти турли илмий нашрларида аҳолининг маданий хусусиятлари, маиший ва иқтисодий фаолияти ҳақида кенг қамровли эмпирик материалларни чоп

этиб, бутун дунё бўйлаб комплекс географик-этнографик экспедициялар ўтказди [11].

Немис географы Ф.Рихтгофен географик фанлар тизими таркибида антропогеографик хусусиятни кучайтириш мақсадида инсон географиясини алоҳида йўналиш сифатида киритди. Таникли немис олими Ф.Ратцел томонидан эса антропогеографияга асос солинади ва бу олим социал географиянинг муҳим тарихий шаклларида бири бўлган концепцияни илгари сурди. Унинг фикрига кўра, антропогеография аҳолининг жойлашув жараёнлари ва ҳудудий харақатини ўрганади, унинг асосий вазифаси эса турмуш тарзини ўрганиш ҳисобланади. Ф.Ратцел турмуш тарзи ва унинг таркибий қисмларининг географик муҳит билан боғлиқлигини кўрсатди [13].

Россияда XIX асрнинг охирида Д.Н.Анучин ва Э.Ю.Петри асарларида ҳам антропогеографик қарашлар ривожланди. Улар антропогеографияни инсон ҳамда унинг моддий ва номоддий маданияти тўғрисидаги фан сифатида тушунган [14]. XX аср бошида В.П.Семенов-Тянь-Шанский раҳбарлигида Россия ҳудудларининг кўп қиррали фундаментал тавсифи нашр этилди, унда аҳоли ҳаёти, маданияти ва турмуш тарзидаги географик фарқлар кўриб чиқилди.

1960 йилларда инглиз-америка географиясида ижтимоий соҳалар мавқеи янада ошди, бу илм-фаннинг ижтимоийлашуви, тадқиқотчиларнинг социологик тадқиқот усулларга эътиборини алоҳида бағишлашига, ҳулқ-атвор тенденциялари таъсирини янада кучайишига олиб келди.

Географлар объектив ва субъектив сабабларни ҳисобга олган ҳолда, инсонларнинг маълум бир макондаги ўзаро муносабатларини тушунишга ҳаракат қилди. Натижада географияда ҳулқ-атвор ёндашуви шаклланди. Ушбу ёндашув тарафдорлари орасида географлар Г.Уайт, Д.Уолперт, Р.У.Кейтслар ўз мавқеига эга. Ҳулқ-атвор географияси реал ҳаётни шахслар нуктаи назаридан тадқиқ этади, инсонларнинг якка, гуруҳ ёки оммавий хатти-ҳаракатларини ўрганиб, уларнинг фарқланишини аниқлайди [5; 6]. Ушбу тадқиқотлар аҳоли турмуш тарзининг турли жиҳатларини ўрганиш билан шуғулланадиган мутахассислар учун катта қизиқиш уйғотди. Ҳулқ-атвор географиясида энг кучли назарий ютуқ сифатида Лунд илмий мактаби асосчиси шведиялик географ Т.Хегерstrand томонидан ишлаб чиқилган янгиликлар диффузияси назарияси эътироф этилди.

XX асрнинг 70-йиллари собиқ Иттифокда ижтимоий фанларнинг бутун мажмуасини, шу жумладан ижтимоий географияни фаол ривожлантириш даври бўлди. Бу даврда В.В.Покшишевский, А.А.Минц ва О.А.Константинов сингари олимлар ўз илмий асарларида аҳолининг турмуш тарзини географик асосда ўрганиш зарурлигини таъкидладилар. Аммо турмуш тарзи муаммоларининг географик жиҳатлари ушбу муаллифларнинг баъзи асарларида мавжуд бўлса ҳам, мавзули тадқиқотлар, асосан, фалсафа, социология, психология фанлари доирасида ривожланди [3; 9; 10].

Т.В.Райтвийр янги фанлараро йўналишни – социологик географияни аниқлайди ва уни назарий ва услубий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилди. У аҳолининг турмуш тарзини социогеография тадқиқотининг асосий объекти сифатида кўриб чиқишни таклиф қилди [9]. Шундай қилиб, у Эстония географиясида турмуш тарзини ижтимоий ўрганиш асосчисига айланди.

1980-йилларда эса А.И.Алексеевнинг ишларида [1], С.В.Федулов [14] ва И.В.Шаркова [16] диссертация тадқиқотларида аҳоли турмуш тарзини географик ўрганишнинг турли назарий ёндашувларини шаклланди.

Н.А.Щитова МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб, турмуш тарзи географиясига бағишланган мавзу бўйича докторлик диссертацияни яратди ва уни муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг тадқиқотида турмуш тарзи географияси ижтимоий география йўналиши сифатида ҳозирги босқичида аҳолининг кундалик турмуш тарзини ҳудудлараро фарқларини ўрганади, деб тавсифланган [17]. А.Д.Чебеткованинг номзодлик диссертацияси Перм ўлкаси таркибидаги Коми-Перм мухтор округи аҳолисининг турмуш тарзи ва сифатига бағишланган бўлиб, асосан унинг этник жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган [15].

Хулоса. Аҳоли турмуш тарзи география фанида қадимдан ўрганилиб келинган. Бироқ социал географиянинг алоҳида йўналиши сифатида турмуш тарзи географияси Фарб давлатларида ўтган асрнинг ўрталарида, собиқ Иттифокда, хусусан Россия, Эстония, Грузияда эса 1980 йилларга келиб шаклланган. Шунингдек, республикамизда ҳам турмуш тарзига оид бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Аҳолининг меҳнат ва ҳаёт фаолияти, албатта, маълум бир табиий ва ижтимоий муҳит доирасида кечади. Бу эса ҳар қандай жамият социал-иқтисодий тузилмасининг ўзагини, асосини ташкил этади.

Адабиётлар

1. Алексеев А.И. Многоликая деревня: (население и территория). – Москва: «Мысль», 1990.
2. Анучин Д.Н. Избранные географические работы. – Москва: «Юрайт», 2019.

3. Бестужев-Лада И.В. Образ жизни как философско-социологическая категория. // Слово лектора. 1975. №3. – С. 14-19.
4. Джеймс П., Мартин Дж.Д. Все возможные миры: пер. с англ. / Под ред. и с послесл. А.Г. Исаченко. – Москва: «Прогресс», 1988.
5. Джонстон Р.Дж. География и географы. Очерк развития англо-американской социальной географии после 1945 года. – Москва: «Прогресс», 1997.
6. Исаченко А.Г. Развитие географических идей. – Москва: «Мысль», 1971.
7. Илизаров С.С., Снытко В.А. Триста лет первой публикации в России книги “всеобщая география” Бернхарда Варениуса. Известия РАН. Серия географическая. 2018, № 6. – С. 110-114.
8. Историческая география северного причерноморья по данным античной письменной традиции. – Москва: Языки славянской культуры, 2005.
9. Рывкина Р.В. Образ жизни сельского населения. – Новосибирск: «Наука», 1979.
10. Рывкина Р.В. Переходное экономическое сознание в российском обществе // Вопросы экономики. 1997. №5. – С. 71-83.
11. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – Москва: «Просвещение», 1980.
12. Сеницкий Л. Д. Очерк истории антропогеографических идей. – Москва: 1990.
13. Сеницкий Л.Д. Очерки землеведения (антропогеография). – Москва: «Петроград: Книга», 1983.
14. Федулов С.В. Географическое изучение образа жизни (методологические и методические аспекты). Дис. ... канд. геогр. наук. – Москва: МГУ, 1988.
15. Чеботкова А.Д. Качество и образ жизни населения Коми-Пермяцкого округа. Дис. ... канд. геогр. наук. – Пермь: 2007.
16. Шаркова И.В. Дифференциация образа жизни в системах расселения. Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. – Москва: 1990.
17. Щитова Н.А. География образа жизни: теория и практика регионального исследования. Дис. док. геогр. наук. – Москва: 2005.
18. Яцунский В.К. Историческая география. – Москва: «Наука», 1975.